



ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 130 (10.183)

2004 ЙИЛ 8 ИЮЛЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСINI ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бизнес-муҳитни такомиллаштириш, республика тадбиркорларининг хорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини мустақамлаш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун янги корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун республикага чет эл сармоясини кенг жалб этиш мақсадида:

1. Тадбиркорлик тузилмалари, кичик бизнес субъектлари ва хусусий корхоналар вакиллари, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ва Давлат мулки қўмитасининг Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини қайта тузиш ва унинг асосида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин: республикада тадбиркорликнинг, энг аввало кичик ва хусусий бизнеснинг жадвал ривожланишига, ҳақиқий мулкдорларнинг кенг қатлами шаклланишига, хусусий секторнинг мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги роли ва аҳамиятини тубдан оширишга қўмаклашиш; республика тадбиркорларига хорижий шериклар ва сармоядорлар билан ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришда, мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек, қўшма корхоналар ташкил этиш, энг аввало кичик ва хусусий корхоналарни техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш учун республикага тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб қилишда ёрдам бериш;

бошқа мамлакатлар савдо-саноат палаталари ва тадбиркорларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, Ўзбекистон тадбиркорлари делегацияларининг амалий ташрифларини ташкил этиш ва республикага хорижий тадбиркорларни таклиф қилиш, республикада ва чет элларда тадбиркорларнинг халқаро бизнес-анжуманлари, ишбилармонлар маҳсулотларининг савдо-саноат кўرғазмалари ва ярмаркаларини ўтказиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига кенг турда хизмат кўрсатиш, жумладан, ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва инвестиция имкониятлари, шунингдек, булажак шериклар ва замонавий технологияларни харид қилиш имкониятларига оид ахборотни ўз ичига олган бизнес-каталоглар нашр этилишини йўлга қўйиш;

тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бизнес юретишга оид халқаро меъёрлар ва амалиётни республикада жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятини юретиш борасидаги ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яхшилашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида таклифлар тайёрлаш чора тадбирларини амалга ошириш;

тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, жумладан, рўйхатга олиш, маҳсулотини сертификатлаш ва лицензия бериш, шунингдек, ишларни судларда қўриб чиқиш масалаларида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш;

Давоми 2-бетда.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

Кўсқа

• **ЎТГАН** кўни Сергели туманидаги Усмон Юсупов маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини

қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармонини бажариш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• **ЎТГАН** кўни Миробод туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғиб-ташвиқ қилишни амалга оширишнинг чоралари бағишланган тадбир ўтказилди.

• **ЯККАСАРОЙ** туманидаги «Яккасарой-1», «Яккасарой-2» маҳаллаларида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тузилган «Ези» «Қамолот» билан»-лихасини амалга ошириш мақсадида кўчма оммавий спорт мусобақалари ўтказилди.

• **МИРЗО** Улўбек номида Ўзбекистон Миллий университетига магистрлик курсларини тамомлаган талабаларга дипломлар топширилди, концерт дастури намойиш этилди. Шунингдек, Мирзо Улўбек машинасозлик коллежидан Тошкент Ирригация ва мелiorация институтига битирувчи талабалар иштирокида шундай тадбирлар ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЎЗА



Пойтахтимиздаги банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоялашда меҳнат бўлиmlари ходимлари ҳақиқий таянч бўлишга интиломдалар.

СУРАТДА: Бектемир туман меҳнат бўлимининг меҳнат бозори, аҳолини иш билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш, ишсиз аҳолини ҳисобга олиш, ишга жойлаштириш, касбга йўналтириш, қайта ўқитиш шўъбаси бошлиғи Фарход Зоитов ва бош мутахассис Айнура Бўриева ларни иш уюштира турибсиз.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА АРАФАСИДА

Фарғона вилояти ҳокимлигида ташкил этилган ҳудудий семинарда мамлакат парламентида декабрда бўлиб ўтажак сайловларнинг конституциявий асосларини аҳолининг кенг қатламига етказиш борасида Конституциявий суд, судлар, ҳуқуқ тартибот органлари ва оммавий ахборот воситаларининг вазифаларига оид масалалар муҳомама этилди. Семинар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Марказий сайлов комиссияси ва Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Унда номлари қайд этилган ташкилотлар, вилоятлар, Фарғона водийси шаҳар ва туманлари ҳокимликлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон факрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси бўлиmlари вакиллари, журналистлар широк этди. Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М. Абдустанов мамлакатимиз олий қонунчилик органига сайловнинг конституциявий асосларига тўхталар экан, икки палатали парламентга ўтиш юртимиз тараққийоти, бу борада Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик туб ўзгаришлар билан боғлиқ зарурат эканини таъкидлади.

АҚШ, Франция, Англия, Япония каби мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси амалий қонунларни қабул қилишни таъминлайдиган икки палатали парламентнинг самарали эканини қўрсатмоқда. Ўзбекистон фуқаролари ҳам мамлакатимиз Бош қонунида белгиланган конституциявий ҳуқуқларни амалга оширишда қабул қилинаётган қонунлар

сифати бўйича шахсий масъулиятини ҳис қилиши лозим. Бундай масъулиятни сингдиришда эса оммавий ахборот воситаларининг роли катта аҳамиятга эга.

Марказий сайлов комиссияси раиси Б. Мустафоевнинг маърузаси эркин демократик сайловларнинг ҳуқуқий асослари таҳлиliga бағишланди. У парламентнинг қонунчилик палатаси ва Сенатга сайловларнинг ҳуқуқий жиҳатларига тўхталиб, сиёсий партиялар ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид масалаларга тушунтириш берди, сайловларда иштирок этиш давомида қонунларни бузиш бўйича жавобгарлик ҳақида гапирди.

Семинарда Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари Х. Дўстмуҳаммад, адлия вазирининг биринчи ўринбосари И. Абдуллаев, Ички ишлар вазирлигининг тергов бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари М. Каримов, Олий суд судьяси Х. Ҳасанов ва бошқалар сўзга чиқди.

Тингланган маърузалар бўйича фикр алмашинди. Қатор тавсияномалар ишлаб чиқилди.

XXI сағоси

Барча маълумотлар олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

• Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси радио-частоталар бўйича Давлат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда частоталар хусусидаги Низом ва янги тахрирдаги Низом лойиҳаси қўриб чиқилди.

• Кеча Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашида сайлов кампаниясига тайёргарлик мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

• Кеча Тошкентда Республика Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Среда обитания» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда «Правда востока» газетаси тахририяти ўзаро ҳамкорлигида «Троф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслар бошқаруви» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

• Ўзбекистон Кизил Ярим Ой жағияти миллий кенгаши йиғилишида яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Кизил Ярим Ой ва Кизил Хоч тизимларида фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунини амалда бажариш ва жағият олдида турган вазифалар муҳомама қилинди.

• «Uzdunrobita» қўшма корхонаси томонидан Янги Нишон шаҳри ва Шўртан кўрғонига GSM стандартидаги янги станциялар ишга туширилди.

• Фарғона Ўлкашунослик музейида Польшанинг театр ва кино муасавирлари плакатларининг кўрғазмаси очилди.

Жаҳонда

• Индонезияда Президент сайловлари ўтказилди. Ҳозирча 153 миллионга бюллетеннинг 1 фоизидан ортми ҳисоб-китоб қилинди ва дастлабки натижаларга кўра, истеъфодаги генерал-лейтенант Суило Бамбанг Отхойоно 33 фоиз овозга эга бўлиб, олдинда бормоқда.

• АҚШ Конгрессининг вакиллар палатаси 27 та мамлакатда бир ўлчам маълумотлари қайд этилган янги паспорт жорий этиш мuddатини бир йилга узайтириш масаласини маълумлади. Янги паспорт жорий этилган, 27 та давлат фуқароларининг АҚШга визасиз ташриф буюриши учун йўл очилди.

• Франция бундан 13 йил аввал Ироқ билан узилган дипломатик алоқаларни тиклаш ҳаракатларини бошлади.

• Global Finance Халқаро молия наشري ўзининг «Иқтисодий ривожланаётган мамлакатларнинг энг яхши банлари» аънавий шарҳида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини Ўзбекистоннинг 2004 йилдаги энг яхши банки деб тан олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ
ПАЛАТАСINI ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Иқтисодий
САЛОМАТЛИК
УЧУН
Фойдали

«Шарқ табиби» номли янги бальзам тури «Ўзимефарм» очкич турдаги акционерлик жамиятининг «Галиника» шўба корхонасида ишлаб чиқарилади. Қадимий рецепт асосида доривор ўсимликлардан тайёрланган бу бальзам инсонлар саломатлиги учун ниҳоятда фойдалидир.

«Галиника» корхонаси асосан тиббиёт учун зарур спиртли эритмалар, турли хилдаги суртма дорилар, настойкалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Замонавий технологиялар асосида маҳаллий доривор ўсимликлар корхонанинг галин ва экстракция цехларида қайта ишланиб тайёр дори маҳсулотлари ўраш бўлимида махсус идишларга жойланади. Шунингдек, корхонанинг назорат-таҳлил лабораториясида доривор ўтлар махсус реакторларга солиниб спирт орқали тозаланади ва қайта ишланади.

Лабораторияда 5 нафар олий маълумотли ходимларимиз иш олиб боришда. — дейди корхона раҳбари Шўхрат Шоисломов. — Бу ерда тозаланган хом ашё корхонамизнинг бошқа цехларида яна қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтирилади.

Хозирда корхона ходимлари янги дори препаратлари устида иш олиб бормоқдалар. Асосан аскорбин кислотаси билан турли мевалар аралашмасидан тайёрланган доривор шарбатлар шомоллаган, иситмаси ошган, ҳарорати кўтарилиб кетган беморлар учун ниҳоятда фойдалидир. Демидрол ва новокаин аралашмасидан тайёрланган дори эса кўз яллиғланганда ишлатиладиган шифо омилли ҳисобланади. Шунингдек, корхонада ишлаб чиқарилган «Фенсукал» суртма дори-си аёллар гинекологиясида шомоллашнинг олдини олишда қўлланилади.

— Хозирда «Алванир» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «Фарм гласс» корхонаси билан ҳамкорликда иш олиб бораётган корхонамиз маҳсулотларини Тожикистонга экспорт қилмоқдамиз. — дейди «Галиника» раҳбари. — Яқин кунларда 3 миллион сўмлик шартнома бажарилади ва экспортга жўнатилади.

ПАХТА
ЧИГИТИДАН

«Хикмат-Раҳмон» илмий ишлаб чиқариш фирмасида юкори босимда ишлайдиган дастгоҳлар учун эмуль-солнинг янги тури сульфиди фрезол ишлаб чиқариш йўлига қўйилди.

Асосан мойловчи-совутувчи восита эмуль-сол хозирда барча металл заводларида кенг қўлланилаётган маҳсулотлардандир. Металлни кесиш ва унга ишлов беришда юкори босимда ишловчи дастгоҳ тезда қўзиб ишдан чиқариши ёки қопилларга қўйма металл ёпишиб қолишининг олдини олишда ишлатиладиган корхонанинг бу маҳсулотларини Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати, «Агрегат» заводи, «Ўзкимемаш» корхонаси ҳамда «Чкалов номидидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти шартнома асосида сотиб олади.

Маҳаллий хом ашё асосида, яъни пахта чигитидан тайёрланган бундай мойловчи-совутувчи эмуль-сол сифатли ва экологик тоза маҳсулот ҳисобланиб, таркибида захарли хом ашё йўқлиги билан ажралаб туради.

Орзул РУСТАМОВА

тадбиркорлик фаолиятига оид таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этишни қўллаб-қувватлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси: мамлакатимиз тадбиркорлик фаолияти субъектларини, шу жумладан микро-фирмалар, кичик ва хусусий корхоналар, яқна тартибдаги тадбиркорларни ихтиёрий равишда бирлаштирувчи нодавлат нотихорат ташкилотидир;

Коракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган ҳудудий тузилмалари билан биргаликда ягона тизимни ташкил этади;

зиммасига юкланган вазири ва функцияларини самарали бажариш учун зарур ҳолларда республика туманлари ва шаҳарларида филиаллар тузиш ҳуқуқига эга;

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан имзоланган шартно-

малар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига ҳар томонлама, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари мутахассисларини жалб этиш орқали Палатанинг зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда, бошқа мамлакатлар савдо-саноат палаталари, хорижий сармоядорлар ва шериклар билан амалий алоқалар ўрнатишда, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини сотиш учун чет эл бозорларини ўрганиш ва ўзлаштиришда ёрдам берсин;

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда уч ой мuddатда Палатанинг қатор хорижий мамлакатларда ваколатхоналарини очиб ва уларнинг раҳбарлигида дипломатик ходим мактабини бериш мақсадига мувофиқлиги хусусидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

мамлакатимиз тадбиркорлари — Савдо-саноат палатаси аъзолари-

ни минтақавий экспорт ва транзит товарлар (иш ва хизматлар) савдо оқимида фаол иштирок этишга жалб қилиш борасидаги ҳамкорлик ишларини ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий тузилмаларига давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектлари — Палата аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини қамситувчи хатти-ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан судларга даъво аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи берилсин. Бунда улар давлат божларини тўлашдан озод этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Давлат мудоки қўмитаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва ташкилотлар билан биргаликда икки ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига «Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси тўғрисида»

ғи Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш, Палатанинг таъсис сьездини ўтказиш, Палата Уставини қабул қилишга оид ташкилий масалаларни ҳал қилишда қумаклашин;

Бир ой ичида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси иштирокида Ҳукуматнинг Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлашга доир қарорини ишлаб чиқиб, қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 12 мартдаги ПФ-1407-сонли «Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини ташкил этиш тўғрисида»ғи Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 7 июль.

Ўзбекистонда тайёрланган

СИФАТЛИ ВА
РАҚОБАТБАРДОШ
ҚУВУРЛАР

«НОВАС ТАРПО» Ўзбекистон— Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган нometалл қувурлар ўзининг сифати, рақобатбардошлиги, чидамлилиги билан нафақат республикамизда, балки МДҲ давлатларида ҳам алоҳида ажралаб туради.



2000 йилдан иш бошлаган корхонада бугунги кунга келиб 180 нафар малакали, ғайрат-шижонатли ишчи-хизматчилар сифатли маҳсулот тайёрлашга эришмоқда. Корхона маҳсулотларининг қатор афзалликларга эгалиги, рақобатбардошлиги буюртмачилар сафининг йилдан йилга ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Унинг цехларида ўрнатилган 4 та ишлаб чиқариш линиялари ҳамда 18 та дастгоҳ ва ускуналар бир йилда 800 километр нometалл қувурлар тайёрлаш қувватига эга бўлиб, маҳсулотларнинг диаметри 200 миллиметрдан то 2400 миллиметргача ҳажми ташкил этади.

Янги технологиялар шарофати билан ишлаб чиқарилаётган қувурлар жон андозаларига тўла жавоб беради. Маҳсулотларининг вазни енгил, ишлатишда қулай, айниқса, 70 йилдан кўпроқ хизмат қилиши буюртмачилар эътиборини тортмоқда. Айни кунларда ушбу корхона жамоаси катта буюртмачини бажариш арафасида. Жаҳон банки томонидан ўтказилган тендерда ғойиб бўлган корхона жамоаси I чоракда шартномада белгиланган 13 миллион сўмлик буюртмачи миқозларга етказиб берган бўлса, шу ой охиригача эса маҳсулотлар тўла жўнатилади.

Ҳиссадорлик жамиятлари, шахримиздаги йирик трестлар, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Навоий шаҳарларидаги қўллаб қорхона ва ташкилотлар қўшма корхона маҳсулотларини доимий миқозларидан ҳисобланади. Эътиборли томони, корхона ўз қувурларини «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси билан Россия, Қозғистон, Украина ҳамда Афғонистон давлатларига ҳам экспорт қилади.

Жаҳон стандартлари талабларига тўла



жавоб берадиган қувурлар ишлаб чиқариш учун албатта, сифатли хом ашё ҳам зарур. Маҳсулот ишлаб чиқаришда хозирча 40 фоизга яқин маҳаллий хом ашёдан фойдаланилмоқда. Булар — кварц кум, кальций карбонат ҳамда ацетон бўлиб, жорий йил охиригача

«Оникс» хиссадорлик жамияти қошида ташкил этилаётган «Узгласзайд» қўшма корхонаси ишга тушса, у ерда маҳсулотлар учун асосий хом ашё ҳисобланувчи — шиша толарани ишлаб чиқариш йўлига қўйилади.

Хозирча эса хом ашёнинг маълум қисми Германия, Швейцария, Туркия, Россия ҳамда Япониядан келтирилмоқда. Корхона тадбиркорлари фақат сифатли хом ашёдан импорт ўрнини босувчи қувурлар ишлаб чиқарилишини яхши тушунадилар. Ички бозоримизни чуқур ўрганиш тўғрисидаги йўриқмоқдалар.

«НОВАС ТАРПО» чилар ишлаб чиқараётган сифатли, рақобатбардош қувурлардан санаётда, аҳолини сув билан таъминлашда, оқава сувларни экологик мусаффо, шаффоф ҳолда ҳайдашда кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, уларни ариқ-дренаж тармоқларида, гидроэнергетика станциялари ва магистрал босим қувур йўлиларида ҳам самарали қўллаш мумкин. — Корхонамиз маҳсулотларига хари-

дорлар топиш, шартномалар тузиш мақсадида қўллаб кўргазма, ярмакарларда фаол қатнашамиз, — дейди «НОВАС ТАРПО» қўшма корхонаси маркетинг бўлимининг етакчи ходими Хуршид Қодиров. — Аниқ мақсадларни кўзлаб, режалар тузамиз, чунки тинимсиз изланиш, янгиликка ўчлик ва ташаббускорлик замон талабидир. Импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариб, харидорлар сафини кенгайтиришга интилаётган корхонамизнинг имкониятлари жуда кенг. Корхонадаги мавжуд лабораторияда ана шу имкониятларни тўла ишга солиш мақсадларида тинимсиз изланишлар олиб борилиб, тажрибалар синовдан ўтади.

«Ўзэкспомарказ» Республика савдо-кўргазмалар марказида май ойида ўтказилган «Нефть ва газ-2004» халқаро кўргазмасида, июнь ойида Москва шаҳрида бўлиб ўтган «ЭКВАТЭК-2004» 6-халқаро конгресс ва кўргазмасида корхона ўз маҳсулотлари билан қатнашишда ҳамда шартномалар тузишга, янги миқозлар орттиришга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, доимий ишловчи «Ўзқўргазмасавдо» кўргазмалар залида уларнинг маҳсулотларидан намуналар қўйилган, шунингдек, корхона раҳбариятининг умумий сайё-ҳаракатлари тўғрисида Озарбойжон давлатининг пойтахти Боку шаҳрида «Савдо уйи» очиб тадбир қўрилмоқда.

Ҳуллас, қўшма корхона жамоасининг ўз олдида қўйган эзгу мақсадлари, белгиланган вазифалари жуда кўп. Корхона ишчи-хизматчиларининг баракали меҳнатлари, уларни амалга ошириш йўлидаги интилишлар, албатта, келажакда ўз мевасини беради.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: «НОВАС ТАРПО» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси фаолиятидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Маълум

ЯХШИ СОВФА
БЎЛАДИ

Янги ўқув йили олдидан республикамиз мактаблари ўқувчиларига қатор ўқув адабиётлари босмага тайёрланди. Бундай китоблар орасида чет тилларда ёзилган дарсликлар ҳам бор.

Инглиз, немис, француз тиллари бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари талаблари асосида ёзилиб, нашр учун тавсия қилинган адабиётлардан бир нечаси ҳам биринчи сентябрга софва қилинади.

Инглиз тили дарслигининг еттинчи синфлар учун мўлжалланган наشري эса босма юзини кўрди. Таълим барча тилларда олиб бориладиган мактаблар учун яратилган мазкур янги дарсликдан янги ўқув йилида кенг фойдаланилади.

Мактабларнинг 5-6-синфлари учун инглиз тили дарслиги ҳам толиби илмлар учун яхши совфа бўлган эди. «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган бу кўланма 2003-2004 ўқув йилида фойдаланилган энг яхши дарсликлардан бири сифатида баҳоланди. Бундай ижобий ҳолни ўқув машғулотлари натижалари ҳам тасдиқлади.

ХАМКОРЛИҚДАГИ
АНЖУМАН

Республика таълим марказида ўтказилган анжуман мамлакатимиз мактабларида француз тилини ўқитишнинг долзарб масаласига бағишланди.

Пойтахтимиздаги Гюго номи француз маданияти марказининг таълим бўлими ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу маърифий тадбирда ўқув адабиётларининг бугунги аҳоли ҳам кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда француз ва ўзбек педагог олимлари муаллифлигида қатор дарсликлар юзага келди. Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари учун яратилаётган янги француз тили дарслигини босмага тайёрлаш устида ҳам қизгин иш олиб борилаётган.

Кўрилатган бу каби тадбирлар мамлакатимизда бу нуфузли тилдан давр талаблари даражасида сабоқ бериш учун пухта замин ҳозирлайди.

Ақбар АЛИЕВ

Ёшлар - келажакимиз

ЎҚУВ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Ёшлар — бизнинг таянчимиз, келажакимиздир. Шу боисдан ҳам уларнинг соғлом ва бақувват, ақлан тийрак, таълим-тарбияли, ватанпарвар бўлиб вояга етишларига барчамиз гамхўрлик кўрсатишимиз лозим.

Келажак давомчиларининг том маънода сунъичи ва таянчига айланганини ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кенгаши томонидан ҳам бу йўлда айтишга арзигулик ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, июнь-август ойларида ёшларнинг дам олишлари, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишни кўзлаб «Ёшлар «Камолот» билан!» лойиҳасининг эълон қилинишидан ҳам айнан юқоридаги мақсадлар кўзланган.

Куни кеча Собир Раҳимов туманидаги Саъди Сирожилов номи 1-умумий ўрта таълим мактабида мана шу лойиҳа доирасида амалга оширилаётган, Эски шаҳар ёшларини жаҳонда содир этилаётган воқеа-ҳодисалар, илм-фан тараққиёти бора-сидаги янгиликлардан хабардор этиш, янги технологиялардан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш, нафақат юртимиздаги тенгдошлари, балки хорижий мамлакат ёшлари билан ҳам ахборот алмашувини кенг йўлга қўйиш каби қатор эзгу мақсадлар кўзланган ҳолда Ёшлар ўқув марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

— Азиз ўқувчи-ёшлар, — деди тадбирда сўз олган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши расиси Фурқат Махмудхўжаев. — Биз сизларнинг ҳар жаҳода фаол, замонавий технологиялардан фойдалана оладиган, кенг тафаккурли бўлиб вояга етишингизга ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бугун ўз ишини бошлаётган Ёшлар ўқув маркази бу борада сизларга яқин кўмакчи бўлади деб ишонаман.

— Мактабимизга ажратилган 7 та компьютер ва унга керак бўладиган барча жиҳозлар «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими кенгаши томонидан тақдим этилди, — деди биз билан суҳбатда ушбу

ўқув маскани директори Ирода Искандарова. — 1000 га яқин ўқувчи-ёшлар таълим-тарбия оладиган мактабимиз учун бу жуда қувончли воқеа бўлди. Энди Эски шаҳар мавзесида истиқомат қиладиган ёшлар бепул 2-3 ойлик ўқув курсларида ўқиб ўз билим даражаларини ошириш имконига эга бўдилар. Ушбу ўқув маркази нафақат ёз мавсумида балки йил давомида фаолият кўрсатади. Унда етакчи мутахассислар сабоқ берадилар.


Тадбирга йиғилган катта гуруҳ, «Эски шаҳар», Ҳофиз Кўҳакий, Чустий, «Чигатой» маҳаллалари оқсоқол ва фаоллари ҳам мактаб ўқувчилари қувончига шерик бўлиб, ўқувчиларнинг ҳаётда ўз ўрниларини топишига, она-Ватанига керакли инсонлар бўлиб вояга етишларига тилак билдирдилар.

— Бугунги кун ёшларига ҳавас қилсанг арзийди, — дейди шу мактабда 17 йилдан бери математика фанидан сабоқ бериб келаётган ўқитувчи Мавлуда Фаниева. — Ҳар соҳада кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрлик келажакда уларнинг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилади. Ёшлар ўқув марказининг мактабимизда очилиши барча ўқитувчи ва ўқувчиларни бирдек қувонтириб юборди. «Камолот» ёшларини қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оила фарзандларига кўмак бериш йўлида иш олиб бораётган экан, биз уларга бу йўлда асло чарчамасликни тилаб қоламиз.

Ўқувчи-ёшларга бир олам қувонч бахш этган ушбу тадбирда «Настарин» ва «Севинч» болалар гуруҳларининг қувноқ куй-қўшиқлари янграб йиғилганларга хуш кайфият улашди.

Шерзод ШУКУРОВ
СУРАТЛАРДА: 1-умумий ўрта таълим мактабидаги Ёшлар ўқув марказининг очилиш маросимидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



Куни кеча Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган ногирон болалар ўртасидаги «Мафтункор ранглар дунёси» халқаро танловида катнашганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Қўлларига мўйқалам тутиб, мурғак қалбида оламий туйғулар куртак отаётган боланинг кўзларига синчиклаб қараган ҳар қандай инсоннинг алланечук хисларга чулғаниши табиий.

— Богимизда уларнинг қувноқ кулгуси жаранлаганда юрагимиз ҳаприқиб кетади, — дейди Миллий боғнинг бадий раҳбари Мавлуда Комилова. — Узингиз ўйлаб кўринг, юрагиде гўзалликдан лўзатланиш, заррача бўлсада ҳаётни севиш истаги бўлмаган болалар шундай бетакрор расмларни чиза олармики?!

Дарҳақиқат, 1996 йилдан бери республика микёсида ўтказилиб келинаётган бу тадбирда 17 ёшгача бўлган ногирон болалар иштирок этади. Танловнинг асосий ташкилотчи, хомийлари АҚШнинг «Енгра» халқаро хайрия жамғарма-

Танловлар

МАФТУНКОР
РАНГЛАР ДУНЁСИ

Инсон фарзанди ўзида жисмоний камчилик ҳис қилганида, унинг кўнгли ўқиб, кўзларига мунг чўкиши ҳаммамизга аён. Лекин иқтидор, истеъдоди билан тўрт мучаси соғ тенгдошларидек юксакка интилаётган болажонлар ҳам кўплаб топилди.

си, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоялаш вазирлиги, Ногиронлар жамияти ҳамда «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси хисобланади. Энди анжумани ўтказишдан кўзланган мақсад ҳақида гапирадиган бўлсак, эркин ҳаракат имкониятлари чекланган ногирон болалар ўртасида расм чиза олиш қобилиятига эгаларини аниқлаш, уларнинг ана шу иждоий йўлдаги изланишларини қўллаб-қувватлаш, шунинг баробарида моддий ва маънавий кўмак беришдан иборатдир.

— Мафтункор ранглар оламининг бу йилги танлови тўққизинчи марта ўтказилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар «Меҳрибонлик» ноги-

ронлар жамияти расиси Ҳабибулла Жалилов. — Унда нафақат республикамиздан, айни вақтда МДХ давлатларидан тўрт нафар энг истеъдодлилари, ҳаммаси бўлиб эса 70 нафар ногирон болалар катнашади. Бундан ташқари халқаро танловга тайёргарлик кўриш борасида ҳам ана шу тадбирни ўтказишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Расмлар танловининг шаҳар босқичида барча туманлардан 36 нафар болажон ўзининг дунёқарашини, фикрлаш тарзини, мўйқалами билан иштирок этди, 6 нафар ногирон рангтасвир ихлосманди эса мутлақ голиб деб топилди, мусобақанинг Республика босқи-

чига йўлланма олди. Хайрат аъзоларининг бир овоздан маъқуллашлари билан биринчи ўрин Ренат Каримовга (8 ёш), иккинчи ўрин Мохира Уразбоевага (10 ёш), учинчи ўрин Зуҳра Бакирова (9 ёш)га насиб этди.

— Бизнинг бу танловда илк мартаба иштирок этишимиз, — дейди Сергели туманидан кизи билан ушбу танловда катнашаётган Бахтиёр ака Рустамов. — Қизимиз Гулоро тугма бош мия фалажга чалинган. Аммо расм чизишга қизиқди. Кейинги тадбирларга бундан яхши тайёргарлик кўриб келамиз.

Расмлар танловининг яқунловчи қисми қизиқарли томоша ва куй-қўшиқларга уланиб кетди. Айниқса, Сергели тумани Маданият бўлими қошида ташкил этилган «Завқ» дастасининг мусикали чиқишлари, Абдор Хидоятномидеги Маданият уйига қарашли «Карвон» кўнгирчоқ театрининг «Қуенча» спектакли тадбир катнашчилари ва ота-оналарда катта таассурот қолдирди.

ҲУМОЁН АЛИЕВ

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
домо бўлаёт...

● Ҳамма одамлар аслида бир хил, дунёга келишлари ҳам бир хил. Фақат табиатан ҳалол одамнинггина номи билади.

● Халоллик ҳар қандай мартабани беъайди.

● Халол одам учун энг оғир ҳақорат уни ноҳалолликда айблашдир.

● Халол одамни таъқиб этиш мумкин, лекин уни бадном қилиб бўлмайди.

● Халол одам бировнинг ҳақиқа хийнат қилмайди.

● Бузокни ҳақи бор деб, сигирнинг сутини ичмайди, деган нақл икки хил маънода тушуналади. Биринчиси, кесатик, иккинчиси ҳаромдан ҳазар қилиш. Аслида эса иккинчи маъно ҳақиқатга тўғрироқдир.

ХИКОЯТ. Бир кишининг бир сигири бор эди. Сутига сув қўшиб сотиб, бойиди, бир неча сигир жам қилди. Бир куни сел келиб, ул сигирларни ҳаммасини оқизиб кетди. Уша кишининг норасида боласи шундай деди: «Э падар, сутга қўшқон пароканда сувлар йиғилиб келиб, сигирларимизни оқизиб кетди».

● Нақл қилурларки, ҳазрат Мир Кулол оналари дер эканлар: «Амир Кулол қорнимда экан, ногоҳ шубҳали лўқма ютиб қўйсам, кўкрагим остида шу қадар қаттиқ оғриб пайдо бўлардики, ҳатто ҳушдан кета-ёзардим. Кейин маълум бўлдики, бу ҳол покиза фарзандим баракотидан экан».

БАЙТ:

Нишоним шулки, мен
покиза фарзанд,
Отам ҳам пок, онамдур
афифа.
Дилим поку йўлим пок,
этагим пок,
Тариқатим эрур —
Абу Ханифа.

● Олижаноб бўлишининг ўзи кифоя эмас. Боодоблик ҳам зарур.

● Одоб — юракнинг ақли.

● Боодоблик энг муҳим инсоний фазилатлардан бири, бу ҳислатнинг йўқлиги кўпича зур талантларга завол бўлади.

● Модомики, бир-икки оғиз ширин сўз одамни бахтли қилса, шуни қизганиш учун аблаҳ бўлиш керак.

● Боодоблик ҳар ерда — ҳатто таъзияда ҳам керак.

● Донолар айтади: «Агар таъзияга боришининг одоби нечта?» деб сурасалар, саккизта деб айт. Биринчидан, таъзияга борган одам кам гапирсин. Иккинчидан, салла тўнини йиртиб, улоқтириб йиғламасин, ортиқча оҳ-воҳ қилмасин. Учинчидан, қўлини кўксига уриб, юзини юлиб дод солмасин. Тўртинчидан, беҳудага бемаъни гапларни гапирмасин. Бешинчидан, мотам эгаларига сабру қаноат тиласин. Олтинчи ва еттинчидан, қўлидан нима келса ёрдам берсин. Саккизинчидан, марҳумнинг ўлимидан ўзига ибрат олсин, яъни ўлим ўзининг бошига ҳам келишини ўйласин.

БАЙТ:

Хар кимки чучук сўз элга
изхор айлар,
Хар нечаки ағёр дурур ёр
айлар,
Сўз қаттиги эл кўнглига
озор айлар,
Юмшоғи кўнгилларни
гирифтор айлар.

● Қаноат ва сабр-матонат кишини юксак ишларга чорлайди.

Премьерадан сўз

ИНСОНДАН ЯХШИ НОМ ҚОЛАДИ

Бу дунёда инсондан фақат яхшилик қолади. Яхшилик ва савоб ишлар йиллар ўтса ҳам асло унутилмайди. Яқинда «Ўзбектефильм» студиясида суратга олинган «Инсондан яхши ном қолади» номли ҳужжатли фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Фильмда ўзбек адабиёти ҳазинасини салмоқли асарлари билан бойитган Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Раҳмат Файзий каби беназир истеъдод соҳиблари ҳақида ҳикоя қилинади. Ижодлари нафақат республикамизда, балки хорижий давлатларда ҳам маълум ва машҳур бўлган ёзувчи ва шоирларимиз ижодиға яна қайта мурожаат қилинишининг сабаби нимада? Умрини матбуот ишига бағишлаган Хайдарали Ниёзовнинг фильм қаҳрамони сифатида талқин этилиши тасодифми?

— Авваламбор, матбуотимиз фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хайдарали Ниёзов бежиз фильм қаҳрамони этиб танлангани йўқ, — дейди фильм сценарий муаллифи, ёзувчи Фафур Раҳматуллаев, — халқимизда минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деган гап бор. Таниқли ёзувчи ва шоирларнинг ўзига хос фазилатлари, инсонпарварликлари, ички оламлари ҳақида улар билан ҳамнафас яшаган, елкама-елка меҳнат қилиш бахтига муяссар бўлган инсондан эшитиш, эътирофларига гувоҳ бўлиш қуруқ гапдан афзал. Бундан ташқари 30 йилдан ортқ «Шарқ юлдузи» журна-лида меҳнат қилган Хайдарали Ниёзов кўплаб ноёб асарларнинг дунё юзини кўришида бевосита иштирок этган, уларга озми-кўпми меҳнати синган инсонлардан.

XX аср ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакиллари — академиклар Фафур Фулом, Ойбек, Ўзбекистон халқ шо-

ирлари Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Абдулла Қаҳҳор, Раҳмат Файзий, Асқад Мухторлар ижоди ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Аммо бу гал биз Меҳр ва мурувват йиллида уларнинг ижодлари эмас, балки инсоний фазилатлари ҳақида ҳикоя қилишга ҳаракат қилдик. «Сен етим эмассан» номли машҳур шеър муаллифи Фафур Фуломнинг ҳаётда ҳам бир неча етимларнинг бошини силаб, оталик қилганини, уларнинг катта ҳақи ўйлига чиқиб олишларига сабабчи бўлганини кўпчилик яхши билади. Бундай мисоллар Абдулла Қаҳҳор ва Раҳмат Файзий ҳаётида ҳам мавжуд ёки Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухторларнинг шоғирдларига бўлган эътибори уларнинг ички дунёси бойлигидан, савобли қалб эгаси эканликларидан далолат эмасми? Бизнинг ва-зифамиз ижодда ҳам, ҳаётда ҳам инсонлар бахт-саодатини ўйлаган, бу ишда бошқаларга ўрнатқан бўлган адабиётимиз на-

мояндалари ҳаётининг китоб-хонларга номаълум қирраларини очиб беришдан иборат эди.

Умрини одамларга яхшилик қилишга бағишлаган ижодкорлар кўп, албатта. Ушбу фильмда асосан Хайдарали Ниёзов яхши билган, таниган, ҳамнафас ҳолда ижодий мулоқотда бўлган адиблар ҳақида фикр юритилди. Келгусида сўзи билан иши бир ижодда ҳам, ҳаётда ҳам меҳр-мурувват, севги-садоқатни қуйлаб ўтган, эътиқодига содиқ инсонлар қалбига эзгулик уруғини сочишни умрининг мазмунига айлан-тирган халқимизнинг асл фарзандлари ҳақида фильмлар яратилиши шубҳасиз. Шу ўринда режиссёр Эргаш Нормуродов, оператор Зоир Хамидовларнинг маҳоратлари камолга етиб бораётганини улар томонидан яратилган «Инсондан яхши ном қолади» фильмини томоша қилгач эътироф этиш мумкин.

Дилором ИКРОМОВА

Маълим

НУФУЗЛИ
ЛОЙИҲА
АСОСИДА

Британия Кенгашининг «Касб-хунар коллежларида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш» кўргазмали лойиҳаси ўз истикболига эга. Бундай нуфузли лойиҳа республикамизда биринчилардан бўлиб Тошкентдаги Мирзо Улуғбек машинасозлик касб-хунар коллежи аъзо этиб қабул қилинди.

Зеро, механик йиғиш ишлари, металлларга ишлов бериш, маркетинг, бухгалтерия ҳисоби, молия агентлиги, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ихтисосликларидан ёшларга пухта билим бераётган бу коллеж «Тошкентшарқ» ҳиссадорлик жамияти билан яқин алоқа боғланган. Айни вақтда «Ўзқишлоқмашхольдинг» компанияси, «Дон-нон» ҳиссадорлик жамияти, «Тошкент трактор заводи» корхонаси билан ҳам ҳамкорлик шартномаси асосида иш олиб бормоқда.

Британия Кенгаши лойиҳасининг тажрибавий модулини ўқиб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича эксперт гуруҳи тузилди. Айни вақтда меҳнат бозори эҳтиёжларига асосланган янги ўқув режасини тузишга киришилди.

Анвар ВАЛИЕВ

Ёз — йилмоқда сўз

БОЛАЖОНЛАР
ҚУВНАБ-ЯЙРАШМОҚДА

Кунлар исиб, ёз ўзининг чилла палласига кирган кезларда, ҳамма ўзини соя-салқин боғларга уриши табиий ҳолдир. Шаҳримиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ёз фаслида айниқса гавжум бўлади. Авваламбор 22 гектарли салқин, озода боғ ҳудуди, 7 гектарли сув ҳавзаси, унда катталар учун ҳамда болажонлар учун алоҳида чўмилиш жойларининг ажратилганлиги, боғда мириқиб хордик чиқариш учун барча шароитларнинг мавжудлиги, айниқса салқин минерал сувлар, музқаймоқлар ва бошқа чанқовбосди ичмилликлар савдоси ташкил этилганлиги, дам олувчиларга манзур бўлмоқда.

— Боғда доимий равишда ўтказилиб туриладиган маданий-маърифий тадбирларнинг ўзига хос, сермазмун ҳамда қизиқarli бўлиши, сайилларнинг оммавийлиги ҳам дам олувчилар учун янада диққатга сазовор бўлмоқда, — дейди боғ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Султонов. — Боғда бир неча йиллардан бери мактаб ўқувчиларининг ёзги таътиллари даврида «Маҳалла болаларининг ёзги дам олиш майдончаси» фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу майдонча «Маҳалла» жамғармасининг Чилонзор туман бўлими билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жадвал асосида ҳар куни тонгдан маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар фарзандлари бу ерда хордик чиқармоқдалар. Майдончада шахмат, шашка, стол теннис, бадминтон ва бошқа спорт тўғараклари мавжуд. Шунингдек, дам олувчи болалар учун турли қизиқarli мавзуларда викториналар, ижодкорлар билан учрашувлар, асфальтга расм чизиш бўйича танловлар ўтказилмоқда. Шунингдек, болажонлар республикамизда нашр этилаётган қизиқarli журналлар, газеталарнинг янги сонлари билан танишишлари, ўзларини қизиқтирган мақолаларни мириқиб ўқишлари мумкин. Уларни қизиқтирган айрим мақола муаллифлари, нашр ижодкорлари билан учрашувлар яхши таассурот қолдирмоқда. Болажонлар учун ўзбек миллий спорт уйларидаги ўтказиш ҳам ижобий натижа бермоқда.

Боғ маъмурияти томонидан бу болажонлар учун ўйин қурилмаларига

(аттракционлар)га бепул таклифнома-лар тарқатилмоқда. Шунингдек, бола-лар боғдаги «Жонли бурчак»ни томоша қилиб, худудимизда ва бошқа жойларда яшайдиган турли хайвонлар, уларнинг турлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлмоқдалар.

Боғ майдончасига бугунга қадар Чилонзор туманидаги «Мевазор», «Лутфий», «Дўмбиробод», 1- ва 2-«Чарх-Камолон», «Гулстан», «17-мавзе» маҳаллаларидан кўплаб болажонлар келишиб, мириқиб хордик чиқаришди.

Боғда шанба, якшанба кунлари шаҳримиздаги Республика Ёшлар театри, Оперетта театри жамоалари ўзларининг болаларга атаб сахналаш-тирган спектакллари намойиш этиб келмоқдалар. Хафтанинг бошқа кун-лари боғда фаолият кўрсатаётган «Улўғбек юлдузлари» ва Чилонзор туман маданият уйлариининг бадий ҳаваскорлик жамоалари, «Ўзбекнрав» эстрада бирлашмасининг бадий жамоалари ўзларининг концерт дастурларини ҳамда «Водил чинори» цирк жамоаси эса қизиқarli томошаларини тухфа этмоқда.

Шу кунларда боғнинг барча кўнги-лочар масканлари болажонларимиз хизматида. Бу ерга ташриф буюраёт-ган болалар мамнуният билан бир овоздан «Ёз — йилмоқда сўз!» — дей-ишмоқда.

Ўткир СУЛТОНОВ
СУРАТЛАРДА: Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғидаги «Маҳалла болалари»нинг ёзги дам олиш майдончасидан лавҳалар.



Шифобахи**несмайлар****ПЕЙОТ —
БЕОЗОР
ЎСИМЛИК**

Инсон ҳаёти ҳар доим турли хил муаммо ва мушкулотларга ошно. Шу сабаб инсоният тарихида Галлюциноген моддалар орқали реал ҳаётдан узоқлашиш ҳолатлари кўпга учрайди. Турли элатларда бундай хусусиятга эга бўлган ўсимликлар қадрланиб келинган.

Ҳар бир миллат ўсимлики ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланган ҳолда бундай хусусиятли моддаларни кашф этади. Ҳозирги Мексика атрофидаги аҳоли асрлар давомида шу мақсадда пейотдан фойдаланган. Пейотни ҳозир ҳаммамиз исталган гул дўконидан топишимиз мумкин. Чунки пейот бу Мексика ва Техас ҳўлларида ўсувчи кактуснинг бир туридир. Пейотни ботаниклар LOPHOPHORA WILLAMSIIS деб атайдилар. Мексика туб аҳолиси ушбу ўсимликдан кенг фойдаланади.

Ўсимликнинг машхурлиги унинг галлюциноген хусусияти сабабчи. Бу хусусиятни ўсимлик таркибидаги лаффофарин ва мексалин алкалоидлари келтириб чиқаради. Асосий таъсири мексалин бажариб ҳеч қандай патологик ҳолатини ва бошқа наркотиклар сингари урганиб қолиш ёки «умор» ҳолатини келтириб чиқармайди. Пейотни қабул қилган инсонда галлюцинация ҳолати вуҷудга келади. Бошқа галлюциноген моддалардан фарқи равишда галлюцинация атрофнинг гўзаллашуви билан кечади. Мухит чиройли қобикча ўралади. Инсон ёқтирган товушлар эшитилишига хизмат қилади. Бундай сунъий «парвоздан» кейин инсон кайфияти кўтарилиб тушкунликдан қутулади.

Шунинг учун ҳам пейот жуда кўп касалликларга қарши қўлланилиб келинган. Универсал малҳамлар қаторидан жой олган пейотни алоҳида ўсимлик терувчи одамлар—пейотеролар тегиришган. Улар махсус пичоқларда илдизига тегмасдан ва бу билан пейотларнинг табиий сонига зарар етказилмай кесиб олишади. Кесиб олинган пейотлар куёш тобида қуритилади. Баъзан уларнинг кучини озроқ камайитириш лозим бўлганда, болалар ва аёллар учун оловнинг устида қуритилган. Дегизи мумкин, деразангизда турган пейотни тишлаб қуришдан наф йўқ. Чунки лаффорин иқлим шароитига мослашиш жараёнида парчаланиб кетади.

**Дилафрўз
АБДУСАТТОВА,
доришунос.**

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги Абдулла Қаҳҳор номи 117-мактаб томонидан 1992 йил Исамухамедов Қаҳҳорон Рустамонович номига берилган А № 194641 сонли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бу юқумли касалликларнинг ҳар бирини маълум бир турдаги қўзғатувчи қўзғатади ва ўзига хос клиник кечиши ва эпидемиологияси билан фарқ қилади. Бу инфекциялар бир-бирига ўхшаш бўлади. Ҳар қандай ичак инфекцияси учун касаллик қўзғатувчисининг оғиз орқали кириши ва меъда-ичак йўлида тез кўпайиши характерлидир.

Бу касалликларнинг манбаи бўлиб, асосан бемор одам ва касаллик ташувчилар ҳисобланади. Касаллик қўзғатувчилари соғлом одамларга беморнинг ажратмалари билан ифлосланган сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, беморга тегишли ишлатилган нарсалар, ўйинчоқлар, кўрпачушак, чойшаб ва бошқалардан юқиши мумкин.

Ўткир ичак касалликларининг тарқалишида ахлат ўралари ва ҳожатхоналардан учиб чиқадиган пашшалар ҳам катта роль ўйнайди. Ичак инфекцияларининг қўзғатувчилари ва уларнинг токсинлари меъда-ичак йўли ишини бузибгина қолмай, балки марказий асаб тизимини ҳам шикастлантиради. Беморнинг ҳарорати кўтарилади, юрак-томир тизимининг нормал фаолияти бузилади. Бу касалликнинг аломати ҳар хил бўлади.

Ўткир меъда-ичак касалликлари асосан ёзда, мав-

Шифокор соҳнастиради**ЮҚУМЛИ ИЧАК
КАСАЛЛИКЛАРИДАН
САҚЛАНИНГ**

Бугунги кунда ўткир меъда ичак касалликларининг бир неча турлари маълум бўлиб, уларга ўткир юқумли ичак касалликлари, салмонеллез, ич терлама, паратиф, ичбуруғ, озиқ-овқат токсико-инфекцияси ва ҳоказолар кирди.

сумнинг иссиқ кунларида кўпроқ учрайди, чунки бу даврда озиқ-овқат маҳсулотлари тез бузилади, аҳоли томонидан яхши ювилмаган сабзавот ва мева-лар истеъмол қилиниши кўпаяди. Шу билан бир қаторда пашшанин озиқ-овқатларини ифлослантириши ҳам сабаб бўлади. Бу касалликлар ҳар қандай ёшдаги кишиларга, айниқса болаларга осон юқди. Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан 7 кунгача, ич терламада эса бир неча кундан 3 ҳафтагача бўлади.

Ўткир ичак инфекцияларининг олдини олиш учун инфекция манбаини йўқотиш, зарарсизлантириш, организмнинг касалликларга чидамлилигини ошириш керак.

Касалликнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлиши биланоча бемор нажаси билан ташқи муҳитга жуда кўп миқдордаги микрообларни ажратиб бошлайди. Шу сабабли беморни иложи борича тез-

роқ касалхонага ётқизиб ўз вақтида даволанса, касаллик тарқалишининг олди олинган бўлади. Касалликнинг олдини олиш учун, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш лозим. Сабзавот ва мева-ларни истеъмол қилишдан олдин, албатта, водопровод сувида ёки қайнатилган сузда чайиш мақсадга мувофиқдир. Сифати кафолатланмаган, номаълум шароитларда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдан сақланиш лозим.

Умумий овқатланиш, савдо тармоқларида ҳамда хонадонларда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашда, тайёрлашда, тарқатишда санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ амал қилиш, ичимлик сувларини қайнатиб истеъмол қилиш, болаларнинг қўлларини доимо ювиб юришга одатлантириш, ҳудудларда ахлатларнинг йиғилиб

қолишига, пашшаларнинг кўпайишига йўл қўймалик чора-тадбирларини кўриш юқумли ичак касалликларининг олдини олишда жуда катта роль ўйнайди.

Ичак касалликларининг қўзғатувчилари зарарсизлантирувчи воситалар таъсирида дарров ўлади. Шу сабабли идиш-товоқларни доимо зарарсизлантириш лозим. Ичак инфекцияларининг профилактикасида пашшаларни йўқ қилиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Организмнинг инфекцияларга қарши чидамлилигини оширишга қаратилган умумсоғломлаштирувчи воситалар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Болага витаминларга бой овқатлар бериш, организмни жисмоний машқлар, бошқа муолажалар билан чиниктириш, меҳнат қилиш режимида риоя қилиш юқумли касалликдан сақланиш гаровидир.

Хулоса қилиб айтганда, ўткир ичак касалликларининг олдини олишда бугун аҳоли фаол қатнашиши, гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиниши, шу касалликларга шубҳа туғилса, тезда шифокорга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Э.МАҲАМАТБОВЕВ,

Сергели туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори.

Ш.АЛИМАТОВА,
эпидемиология бўлими
муdiri.

Сангай**ИСТЕЪДОДЛАР
АНИҚЛАНМОҚДА**

Мамлакатимизда миллий чолғу ижрочилиқ маҳоратини юксалтиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада, айниқса, ёш созандаларнинг аънанга айланган бораётган кўрик-танловлари муҳим ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон Давлат консерваториясида Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган иккинчи Республикани кўриктанлови фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Бу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ўнлаб ёш созандалар қатнашиб, ўз ижрочилиқ маҳоратини намойиш этди. Кўрик-танлов натижасига кўра консерватория талабаларидан Аҳад Мамадалиев (чанг), Фазлиддин Шафоатов (афғон рубоби), Доно Раҳимова ва Мукамал Қурбонова (дугтор), Ботир Дўсимбетов (най), Ганижон Юсупов ва Қаҳрамон Бозоров (қашқар рубоби), Мақсуд Расулов (доира), Ёқубжон Остонов (дугтор бас) танловнинг биринчи мукофотини қўлга киритишди.

Глиэр номидаги Республика махсус музыка академик лицейи талабалари Дониёр Зуфаров ва Шерали Турсунметов гижжақ ҳамда гижжақ басда куй ижро этиш бўйича танлов ғолиби бўлди.

Севара АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицей талабаси.

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тадбиркорлар ва мухтарам корхона раҳбарлари!

Биз навақирон, иқтидорли, ғайратта тўда ёшларимиз. Бизга фақат Сизнинг таърифи ва қўмагиниз етимишайпти. Ғайрат ва таърифи бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб боровчи энг қисқа йўл.



**TOSHKENT
SHAHAR
BO'LI MI**



Тошкент шаҳар “КАМОЛОТ”и тадбиркорларга “Ишлаб топ” ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини тақлиф қилади.
Кўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz

www.2oxygen.com

www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга “Тасвир” нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

Спорт

**ЧЕМПИОНЛИК
ЙЎЛИДАГИ
МУХИМ КАДАМ**

Газетамизда FIDЕнинг жаҳон чемпионатида ҳамшаҳримиз халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов кетма-кет кучли рақиблирини енгган ҳолда финалга чиққани хусусида хабар бергандик.

Шуниси қувонарлики, финал баҳсида ҳам аjoyиб спорт формасида бўлган Рустам ўзининг зафарли юришини давом эттирмоқда. Хусусан, англиялик шахмат устаси Майкл Адамс билан ўтган куни ўтказилган дастлабки финал учрашувда рақиблир дурангга эришиб, 0,5 тадан очкога эга бўлишганди. Кеча Рустамнинг омади келди. У рақибини чиройли тарада енгиб 1,5:0,5 ҳисобида олдинга ўтиб олди ва жаҳон чемпионлиги йўлида муҳим қадам ташлади. Бугун рақиблир учинчи партияда баҳс юрилади.

**ЧАВАНДОЗЛАР
ОТ ЙЎРТТИРДИ**

Қозғистоннинг Алмати шаҳрида чавандозлик бўйича Жаҳон Кубогининг иккинчи босқичи беллашувлари бўлиб ўтди.

Ушбу нуфузли мусобақаларда ҳамюртларимиз ҳам муносиб иштирок этишиб, қатор совринларнинг соҳиблари бўлишди. Хусусан, Конкур баҳсининг М-130, М-140 машқларида ҳамюртимиз И.Содиқов Швегер лақабли отида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Қозғистон Миллий олимпия кўмитаси Кубоги учун ўтказилган М-130 машқда яна бир юртимиз чавандози Ҳ.Олимжонов Санаслан отида юқоридаги натижани тасқорлади.

Минтақавий Жаҳон Кубоги иккинчи босқичининг М-145 машқда — Миллатлар Кубогида И.Содиқов, И.Йўлдошев, Г.Назаров, А.Содиқовлардан ташқил топган мамлакатимиз терма жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

16 иштирокчи қатнашган Жаҳон Кубогининг «Гранпри» йўналишида юртдошимиз Ш.Сафаров Амирхон лақабли отида учинчи ўринни банд этди.

От йўрттириш йўналишида мусикада чиқиш бўйича А.Лисяк (Ўзбекистон) Калина лақабли отида учинчи бўлди. «Катта мукофот» баҳсида ҳам шу спортчимиз учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

«Кичик мукофот» беллашувда яна бир юртимиз спортчиси Е.Шелилова бронза нишонини қўлга киритди.

Сайёра МИРЗАЕВА

Мини футбол

**СОҒЛОМ ТУРМУШ
ТАРЗИ ЙЎЛИДА**

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш босқисидан турли соҳа ходимлари ўртасида спартакиадалар, ҳар хил спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиб туриш муҳим ўрин тутаети. Замонавий спорт иншоотларининг қўллаб қад ростлаши эса бунинг учун кенг имкониятлар яратмоқда.



Шаҳримиздаги юқори даражали меҳмонхоналар ўртасида мини-футбол бўйича «Отеллар Кубоги» турнирининг ташқил этилиши ҳам фикримизга далил бўла олади. «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг ташаббуси билан илк бор уюштирилган қизиқарли футбол мусобақаларида «Дедеман», «Шератон», «Радиссон», «Ле Меридиан», «Пойтахт», «Дамина Шодлик палас», «Грандмир» ва «Интерконтиненталь» каби саккизта меҳмонхона жамоаси икки гуруҳга

бўлинган ҳолда ўзаро куч синашди. Шунингдек, мусобақанинг кўнгилдагидек ташқил этилишида «Дамина Шодлик Палас» меҳмонхонасининг бош менежери Пётёр Киндесфатер ҳам катта ҳисса қўшди. Уйинлар «Умид» спорт-соғломлаштириш мажмуасининг футбол майдонида бўлиб ўтди.

Гуруҳларда ўтказилган ўйинларда уч учрашувнинг иккитасини ютиб, битта дурангга эришган «Дедеман» ва барча беллашувларни галаба билан яқунлаб 18:7 тўплар нисбатига эга бўлган «Пойтахт» меҳмонхоналари жамоалари энг яхши натижаларга эга бўлиб, гуруҳ голиблигини қўлга киритишди. «Шератон» ва «Дамина Шодлик палас», меҳмонхоналари эса гуруҳларда иккинчи ўринларни банд этишди.

Юқоридаги тўрт жамоа ярим финалга йўлланма олди. Нихоятда сермахсул ўтган ўйинларда «Дамина Шодлик палас» «Дедеман»ни 10:4 ҳисобида енгган бўлса, «Пойтахт» эса «Шератон»



устидан 9:0 ҳисобида устун келди. Шундай қилиб финалда «Пойтахт» ва «Дамина Шодлик Палас» меҳмонхоналари жамоалари галаба учун кураш олиб боришди. Бунда 6:4 ҳисобида кучли ҳужум чизигига эга «Пойтахт»нинг қўли баланд келди ва «Отеллар Кубоги» мусобақасининг голиби сифатида махсус Кубок билан тақдирланди. Кейинги ўйинларни «Дамина Шодлик палас», «Шератон» ва «Дедеман» ҳаваскор футболчилари эгаллашди.

Нуриддин Давлатов, Отабек Хайтов, Вячеслав Мирзоян, Бахтиёр Алиев, Павел Цай, Абдулазиз Каримов, Александр Станко, Алексей Чукрик, ака-ука Дилшод ва Абдулхай Кориевлар чиройли ўйинлари билан мухлислари кўнгилларини хушнуд этишди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: ўйинда лавҳа; мусобақа голиблари - «Пойтахт» ва «Дамина Шодлик Палас» жамоалари.

Шахмат оламида

ҚАТРАЛАР



— Шахматни бунчалик яхши ўйнашни қаердан ўргандингиз?
— Шахмат ўйнайвериб.

Америкалик бир йигит қизга муҳаббат изҳор қиларди:
— Мен, албатта, Роберт Фишердек ўйнай ҳам ол-

майман, унинг сингари бадавлат ҳам эмасман. Лекин сизни жуда севман, нимани ихтиёр этсангиз, тайёрман.

— Ундай бўлса, мени ўша Фишер билан таништириб қўйинг, — дебди қиз.

— Энг севган дебютингиз



МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

- 1) Оқлар бошлаб, уч юришда қораларни мот қилади.
- 2) Оқлар бошлаб, галабага эришади.

қайси?

— Рети дебюти. Ўша дебютда сира ютказмаганман.

— Қандай қилиб, биро- дар?

— Ҳеч қачон ўйинни шу дебют билан бошламаганман.

Судда ажралиш тўғрисидаги иш кўриляётгани: — Бу киши на эр, на ота, — дея қоралай кетди хотини ётиқдошини. — Билиб олганлари — шахмат. Ҳатто тўйимиз қачон бўлган ҳам эсларида йўқ.
— Бўхтон! — деди эр. — Кечагидай ёдимда: тўйимиз Ботвинник жаҳон чемпиони бўлганидан икки кун кейин ўтган.

— Ўртоқ директор, кеча турнирда кечки-тирган ўйинингизни бугун давом эттирасизми?
— Йўқ, буни ўрин-босаримга топшир-

дим.
Анвар ИНОҚОВ, шахмат шарҳловчиси

Қақша

**ХЎЖАЛАР
ҚИШЛОҒИДА**

Юсуфжон қизиқ санъаткорлар билан Аравондаги бир қишлоққа тўйга борибди. Ўтириш бошланибди. Базм авжига чиққанда Юсуфжон акалар ўтирган сўрини болалар қуршаб олишибди. Ҳатто сўрининг тепасидаги тол ҳам бола-чақаларга тўлиб кетибди. Шунда Юсуфжон қизиқ толнинг шохиди ўтирган боладан сўрабди:

- Бу тўй қилган одамнинг исми нима?
- Раҳматхўжа.

- Ўғлининг исми-чи?
- Саидхўжа.
- Қўшнисининг исми-чи?
- Олимхўжа.
- Оппоқ дадасининг исми-чи?
- Салимхўжа.
- Ўзингизнинг исмингиз нима?
- Обидхўжа.
- Акангнинг исми-чи?
- Собитхўжа.
- Ўртоғингнинг исми-чи?
- Камолхўжа.
- Ҳой Обидхўжа, толхўжадан пастга туш, бўлмаса сенхўжани кўтаролмай, толхўжанинг бели синади, оқбатда пастдаги деворхўжанинг ҳам эт-бети латейди, — дебди Юсуфжон қизиқ.



Муассис:
Тошкент шаҳар
оқшоми

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар —
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида боёнади.
2812 нускада босилди. Қоғоз бирими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқаети.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбуот акциядорлик компанияси босмоҳонаси.
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.